Majburiy bepul nusxa

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 27 ноябрь ШАНБА

№ 94 (12.314)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Италия, Чехия, Венгрия, Туркия, Латвия савдо-саноат палаталари ҳамкорлигида Марказий Осиё тадбиркорлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**

Европа Иттифоқи комиссияси молиялаштираётган "Марказий Осиёда бизнесни ривожлантириш бўйича корхона, ташкилот вакиллари учун машғулотлар тренинги" лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирда юртимиздаги юздан зиёд корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, қирқдан ортиқ хорижий компания раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этди.

Анжуманда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида тадбиркорлик фаолиятини тизимли ташкил этиш ва мунтазам қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самарасида юртимиз экспорт салоҳияти тобора юксалаётгани алоҳида таъкидланди. Бу жараёнда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг хориждаги ваколатхоналари Россия, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Индонезия каби мамлакатлар ва Европа Иттифоқидаги элликдан ортиқ хорижий шериклари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатгани муҳим аҳамият касб этаётир.

– Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда, – деди Латвия Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Жаннета Жаунземе. – Бугун Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокида тузилган йигирмага яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда. Улар тўқимачилик, мебель ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш саноати, улгуржи савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган. Эндиликда саноат чиқиндиларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятидамиз.

Юртимиз тадбиркорлари билан ўзаро манфаатли ҳамда истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истагидаги хорижий компаниялар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш ускуналари, йўлларни таъмирлаш техникаси, чиқиндилардан маҳсулотлар тайёрлаш технологиялари, замонавий ахборот-коммуникация тизимлари каби турли хилдаги замонавий техника ва технологиялар таклиф этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон, Италия, Чехия, Венгрия, Туркия ва Латвия давлатлари компаниялари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш, энергия тежовчи замонавий технологияларни такомиллаштириш каби масалалар муҳокама қилинди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

БУГУННИНГ ГАПИ




## ҲАР ФАСЛНИНГ ЎЗ ЮМУШИ БОР

**Чиноз тумани машина-трактор парки механизаторлари кузги шудгорни жадал давом эттиришаяпти. Бешта "Магнум-8940" ҳайдов тракторлари операторлари экин майдонларини сифатли шудгорлаш учун бор маҳоратларини ишга солишмоқда. Айни пайтда еттита ғалла комбайни таъмирланаётир.**

СУРАТДА: бош муҳандис Илҳом Абдуллаев (чапда) механизаторлар Мўйдин Иминшанов, Ихтиёр Очилов ва чилангар Мулла Бектоевлар билан.
**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

«ЙИЛ АЁЛИ» ТАНЛОВИ

## ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

**Ҳар соҳада фаол, етук аёлларимизни кашф этиш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган "Йил аёли" танловида иштирок этиш истагида бўлганлар вилоятимизда 3000 дан ошиб кетди.**

Улар орасида ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари, ҳунарманд ва тадбиркорлар, спортчи ва бошқа турли соҳа ходимлари, шунингдек, уй бекалари, ҳатто, пенсионерлар ҳам бор. "Йил аёли"нинг вилоят босқичида энг фаол, билимдон, зукко аёлларимиз республика миқёсидаги нуфузли танловда иштирок этиш учун беллашадилар.

КОНФЕРЕНЦИЯ

## МУНОСИБЛАР САЙЛАНДИ

**Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят партия ташкилотлари хотин-қизлар кенгашининг иш фаолияти ва республика Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасидан келиб чиқадиган аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари ҳамда партия хотин-қизлар кенгаши аъзолари ва кенгаш раҳбарларини сайлашга бағишланган ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.**

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, депутатлик гуруҳи аъзолари, партия марказий аппарати ходимлари, вилоят, туман ва шаҳар партия хотин-қизлар кенгаши раислари, партия фаоллари иштирок этди.

Конференцияда вилоят партия хотин-қизлар кенгашининг раиси, янги таркиби, республика хотин-қизлар конференциясига фаол аёл ва қизлардан делегатлар сайланди.

**С. РИХСИЕВА.**

ТАДБИР

## ТАРБИЯ ЁШЛИКДАН БОШЛАНАДИ

**Бош Қомусимиз қабул қилинган кунга бағишлаб Ўртачирчиқ туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида тадбир ўтказилди.**

"Ўзбекистонда баркамол авлод тарбиясининг конституциявий асослари" мавзусидаги тадбирда "Ўзбекистон Конституциясида хусусий мулкчилик кафолатлари", "Конституциямизда миллий маънавият ва маданиятни ривожлантириш масалалари", "Ўзбекистон Конституциясида маданий меросга эътибор", "Баркамол авлодни вояга етказиш – миллат ва мамлакатнинг эзгу мақсади" мавзуларида маърузалар тингланди.

Туман ижтимоий-иқтисодиёт коллежи педагог ва ўқувчилари иштирок этган маърифий анжуманда эркин фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида конституциямизни чуқур ўрганиш, ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий жараёнлар унинг асосий тамойилларига уйғун равишда кечишини таъминлашга ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги, шундагина фаровон келажак ҳақида орзу қилиш мумкинлиги таъкидланди.

**Саид АСҚАРОВ.**

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

## МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

**XX аср Ўзбек давлатчилиги тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, 1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. 1992 йил 8 декабрда Мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси қабул қилинди. Бу икки муҳим тарихий воқеа Ўзбекистоннинг тенглар ичра тенг бўлишига асос солди.**

Мустақиллик туфайли халқимизнинг хоҳиш-иродасини ўзида мужассам этган, давлат бошқарувининг асоси бўлган, 18 йил давомида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга татбиқ этиб келинаётган Конституциямиз ўз моҳиятига кўра тарихий аҳамиятга эга. Шуни таъкидлаш керакки, Конституциямиз барчамиз учун ҳаётий дастуруламалдир. Уни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳар бир фуқаро, мансабдор шахс, ўқувчи, талаба, олим – барчамиз ҳар бир моддасини ўқиб, ўрганиб боришимиз, маъно ва моҳиятини англаб етишимиз керак бўлади. Конституция ижтимоий-сиёсий тафаккуримизни бойитишда, жамият ва давлат олдидаги бурчларимизни бажаришда, ўз ҳуқуқларимиздан тўлиқ фойдаланишимизда асосий ҳуқуқий манба ҳисобланади.

Конституциянинг биринчи моддалариданоқ мустақил Ўзбекистон халқи ўзининг тарихий анъаналарига содиқ қолгани ҳолда, унинг мақсади дунё ҳамжамияти қаторида тенглар ичра тенг, ўзаро ҳурмат, тинчлик, демократия тамойилларини ҳимоя қилишга, унга содиқ бўлишга қарор қилганлигини кўрамиз.

Конституциянинг 10-моддасида таъкидланганидек, "Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин". Демак, мустақил ўзбек миллий давлатини бошқариш шу миллий республика Олий Мажлиси ва Президенти томонидан амалга оширилади. Бу жиҳат Конституциянинг миллий давлатимизни бошқариш ишларига четдан бирорта юридик ёки жисмоний шахс аралаша олмаслигини кўрсатади.

Конституциямизнинг яна бир тарихий аҳамиятга эга жиҳати шундаки, унинг 13-моддасига мувофиқ "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади". Кўриниб турибдики, бизда инсон қадр-қиммати олий қадриятдир. Бу юксак қадриятни ҳурмат қилиш, эъзозлаш миллий давлатимизнинг олий мақсадидир. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида мамлакатимизда барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бу дегани, Ўзбекистон фуқаролари яхши ҳаёт кечиришлари учун яратилаётган шароитлар, меҳнатни рағбатлантириш, ижтимоий таъминотни, дам олиш шароитларини яхшилаш, маиший, коммунал хизматларни ривожлантириш, транспорт ҳамда алоқа воситаларини юксак даражага кўтариш, соғлиқни сақлаш ишларини янада мукаммаллаштириш каби, халқимиз озод ва обод Ватанда яшаётганлигини англатишдир.

Конституциянинг "Муқаддима"сида ўзбек халқининг олий мақсадлари ўз аксини топиб, тегишли моддаларда яққол кўрсатиб ўтилган. Масалан, 27-моддада шундай дейилади: "Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга". 39-моддада эса: "Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга" деб ёзиб қўйилган бўлса, 40-моддада "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга" эканлиги кўрсатилган. Бундан ташқари, Конституциянинг 41-моддасида: "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир" деб таъкидланган.

Конституциямизнинг тарихий аҳамиятга молик моддаларидан яна бири 67-моддадир. Унда шундай дейилади: "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди".

(Давоми 2-бетда).

## ОЗГИНА ЭЪТИБОР БЎЛСА БАС

**Ўзбекистонда амал қилаётган, жаҳон тажрибасида ноёб ҳисобланган, "Маҳалла" институти ўз фаолиятини тобора қизғин давом эттирмоқда. Халқимиз учун маҳалла нафақат яхлит жамоа, балки аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаолиятини рағбатлантириш, жамиятнинг ижтимоий қадриятларига ҳурмат, ўзаро муносабатларда одоб ва ахлоқ, жамият олдидаги мажбуриятларни сўзсиз бажариш ва масъуллик тамойиллари сақлаб қолинган маскандир.**

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ташаббуси билан Юқоричирчиқ тумани ҳокимлигида "Маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Анжуманда асосий эътибор маҳаллада оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлигини оширишга қаратилди.

Тадбирда Халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари, вилоят савдо-саноат палатаси банк вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари, тадбиркор ва фермерлар қатнашди.

Иштирокчилар маҳаллани оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик марказига айлантириш мақсадида ҳудудлардаги бўш турган объект ва ресурслардан унумли фойдаланиш ҳақида сўз юритишди. Шу билан бирга, иштирокчилар маҳаллада оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ижтимоий шерикчилигини кучайтириш, маҳаллаларда ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сервис объектларини ташкил этиш мавзуларида гуруҳларга бўлиниб, иш олиб боришди. Натижада, гуруҳлар туман ҳудуддидаги фойдаланилмаётган иншоотлар негизида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, экспорт қиладиган 18 та корхона очиш бўйича таклиф киритди.

Шундай таклифлардан бири Истиқлол қишлоғида яшовчи аҳолининг шахсий томорқаларида етиштирилаётган малина мевасини қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш бўлди. Бу корхона бир мавсумда 150 тонна малинани қайта ишлаб, қадоқлайди.

Шунингдек, туманда чиқиндиларни қайта ишлаб, черепица тайёрлайдиган мини цехлар ташкил этиш имконияти бор экан. Бу касаначилик шартномаси асосида хом ашё тайёрлаш ва етказиб бериш имконини яратади.

Гуруҳларнинг таклифларини экспертлар умумлаштириб, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритиш тавсия этилди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

СЕМИНАР

## ЖУРНАЛИСТЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

**Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан республика тармоқ босма нашрларида ҳуқуқий мавзуда қалам тебратаётган журналистлар учун ўқув-семинар бўлиб ўтди.**

Юртимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Семинар машғулотларида нашрларда ҳуқуқий мавзудаги материаллар кўламини кенгайтириш, жумладан, уюшган жиноятчилик, диний экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби жиноятларнинг таъсир ва оқибатларини батафсилроқ ёритиш, улар жамиятнинг маънавий асослари ва ёшлар тарбиясига жиддий зарар етказишини асосли далиллар билан очиб бериш, кўтарилган мавзуни атрофлича таҳлил этиш, ҳуқуқий мавзудаги материалларнинг таъсирчанлиги ва сифатини ошириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот марказининг мутахассис ва олимларининг мавзуга доир маърузалари тингланди.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

## ИСТЕЪДОДЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

**Иқтидорли, изланувчан ёшларни аниқлаш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш ҳамда рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан жойларда семинар-йиғилишлар ўтказилмоқда.**

Ангрен шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишда Халқ демократик партияси аъзолари, маҳалла фаоллари, мактаб ва коллеж раҳбарлари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари, "Янги авлод" танлови совриндорлари, Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар шаҳарда серқирра ижод соҳиблари кўпайиб бораётгани, уларга эътибор, яратиб берилаётган шарт-шароитлар, санъат, маданият, адабиёт, фан ва таълим йўналишлари бўйича мактаб, коллеж, академик лицей ҳамда вилоят давлат педагогика институтида ўтказилган саралаш босқичлари таҳлили, вилоят босқичига йўлланма олган истеъдод соҳибалари билан олиб борилаётган тайёргарлик жараёни ҳақида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Шунингдек, тадбирда Зулфия номидаги давлат мукофоти учун шаҳар ҳамда вилоят босқичларида қатнашиб келаётган иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга мураббий бириктириш, амалий ёрдам кўрсатиш лозимлиги таъкидланди.

**Муҳаббат АБДУҚОДИРОВА.**

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

# БИЗ ҲАММАМИЗ ТАБИАТ БИЛАН УЙҒУНМИЗ

Бизни кўплаб табиат рамзлари ўраб туради. Уларда Ҳаёт аталмиш буюк куч тинимсиз жўш уради. Бу – тошлар, дарахтлар, сарчашмалар. Бу – инсон "Биз ҳаммамиз табиат билан уйғунмиз", деган муҳим ҳикматга етишадиган жой. Яъни биз, инсонлар табиатни забт этувчилар эмас, балки унинг ажралмас қисмимиз. Бизнинг бахтимиз ҳам шунда.

Оҳангарон водийсининг деярли ҳар бир фуқароси Парпиота аталмиш жойга алоқадор. Янги оила қураётган икки ёш тўй тантаналаридан сўнг Парпиотага боришади. Улкан тошлар, дарахтлар ёнида туриб, Яратганга дил сўзлари ва эзгу тилакларини изҳор этадилар. Оилада фарзанд дунёга келганда эса, уни Парпиотадаги улкан тошлар ёнига олиб бориб, гўдакларнинг мурғак жисмига табиатнинг буюк кучини сингдиришни ният қилишади. Бошқача айтганда, бўлажак Ер ўғлони руҳан бақувват бўлишини истайди.

Кўп йиллардан буён фарзанд кутаётганлар ҳам бу ерга илинж билан келишади ва мўъжиза юз бериб, ниятлари ижобат бўлгач, қувончларини баҳам кўриш ва миннатдорчилик изҳор этиш учун яна Парпиота тамон ошиқадилар.

Хўш, Парпиота ким ўзи?

Марказий Осиёда Парпиота номи билан аталувчи еттита тарихий жой бор. Шулардан иккитаси Тошкент вилоятида. Бири – Олмалиқ билан Оҳангарон ўртасида. Иккинчиси – Қизилтоғ шаҳарчасида. Жиззах вилояти, Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам Парпиота номи билан боғлиқ қадамжолар мавжуд.

Оҳангарон водийсидаги бор-йўғи ярим гектар майдонни эгаллаган Парпи ота қадамжоси турли дарахт ва ўсимликларга бой. Ғалати шакл-шамойилга эга улкан харсангтош бу ердаги асосий қадамжо ҳисобланади. Қачонлардир, бир неча минг йиллар бурун у асосий саждагоҳ бўлган. Аммо, ўтган асрда бу муқаддас тош портлатилиб, бир неча қисмларга бўлиб юборилган, шунга қарамай, у жойидан жилмаган эди. Ҳозир бу тош бўлаклари устида қатранғи дарахтлари ўсаяпти. Агар уларнинг танасига қулоқ боссангиз, базўр эшитиладиган товушни илғайсиз, демак бу дарахтлар куйлайди.

Қатранғи – қайрағочлар туркумига мансуб. Уни темир дарахт ва куйловчи дарахт деб ҳам аташади. Улар совуққа бардошли. Қатранғи – одамларнинг эътибори ва меҳридан гуллаб-яшнайди.

Айтишларича, бир вақтлар бу жойлар яланг ва кимсасиз бўлган. Кунлардан бир кун бу ҳувиллаган жойга Парпи отанинг қадами етди. Узоқ ўй суриб ўтирди. Ниҳоят, Яратганнинг инояти билан ер, одам ва тош бирлашиб, буюк уйғунлик содир бўлди. Кўққисдан ҳавога сачраган сув томчиларида қуёш нурлари жилваланди. Бу кўҳна дарахт остидан қайнаб чиққан булоқ суви эди.

Парпи ота ўз ишини бажариб, йўлида давом этди. Бу ерда эса ундан кўп излар қолди: тошларда, дарахтларда, сувда. Қадамжонинг шифобахш кучи жуда сезиларли. Фақат қалбингизни очсангиз бас.

Бугунги кунда Парпиота қадамжоси билан ёнма-ён мевали боғ яшнаб турибди. Адл тераклар кўкка бўй чўзган. Оҳангарон ва Паркент туманлари ҳокимликлари боғ учун ер ажратиб берди. Бу – она заминимизни гуллатиб-яшнатиш ниятида қилинган хайрли иш. Парпиота қадамжосини тавоф этиш учун ташриф буюрувчилар аллақачон ҳосилга кирган боғларнинг ҳусни-жамолидан ҳам бир йўла баҳра олиб, диллари яйрайди.

Муқаддас қадамжолар – фақат буюк инсонлар дафн этилган ва уларнинг тақдири билан боғлиқ жой эмас. Улар – она заминимизнинг ҳамма нарсалар – табиат, тарих ва инсонлар бирлашиб, уйғунлашиб кетган алоҳида маъволари. Тошлар, дарахтлар ва булоқлар ҳақиқатдан муқаддас, зеро улар табиат унсурлари. Ва буларнинг ҳаммаси бизда ўзгача сифат, онг экологияси дея аталмиш алоҳида маданиятни уйғотади. Ахир кўп нарсалар, жумладан, заминнинг тақдири ҳам бизнинг қай тарзда яшаётганимизга боғлиқ-ку! Зеро, биз унинг фарзандларимиз. Ўз онасини қадрлайдиган фарзандлар эса, заминни ҳам севади, ардоқлаб-авайлайди, асрайди.

Парпиота – аллазамонларда мангуликка дохил бўлган, аммо бизга тарих ва заминга муҳаббат ва ҳурматни мерос қолдирган буюк зотларнинг фикр-ўйлари, ҳиссиёт ва хайрли саъй-ҳаракатлари уйғунлашган ажойиб ёдгорлик. Шундай экан, у биз учун битмас-туганмас мерос бўлиб қолсин.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.**

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ




# РАВШАН ЭРМАТОВ – ОСИЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМИ

**Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов кетма-кет учинчи маротаба Осиёнинг "Энг яхши ҳаками" деб эътироф этилди**

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан жорий йилги футбол мавсумининг турли номинациялари бўйича ғолибларни тақдирлаш мақсадида ташкил этилган тантанали маросимда ОФК Ҳакамлар қўмитаси раиси Юсуф Ал-Серкал (Бирлашган Араб Амирликлари) Равшан Эрматовга қитъамизнинг "Энг яхши ҳаками"га аталган махсус совринни топширди.

Бу соврин ОФК шафелигида ташкил этиладиган футбол учрашувларини бошқарадиган ҳакамлар учун энг юксак эътирофдир. "Энг яхши ҳакам" номинацияси ғолибини аниқлашда халқаро учрашувларда инспекторлар томонидан рефериларга қўйилган баҳо асос қилиб олинади. Бундан ташқари, ОФК совринига даъвогар ҳакамларга учрашув давомида юзага келадиган мураккаб вазиятларда ўзини йўқотиб қўймаслик, футболчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, футбол қоидаларини тўғри қўллаш каби талаблар ҳам қўйилган.

Ана шундай мураккаб ҳисоб-китоблар натижасига кўра, Р. Эрматов бу йилги футбол мавсумида қитъамиз ҳакамлари ўртасида энг юқори кўрсаткични қайд этди ва асосий рақобатчилари – япониялик Юичи Нишимура ва Саудия Арабистони вакили Халил Ал-Ҳамдийни ортда қолдирди. Ҳамюртимизгача ҳали ҳеч ким кетма-кет уч марта Осиёнинг энг яхши ҳаками сифатида тан олинмаган.

Равшан Эрматов 2003 йилдан буён Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА таснифидаги учрашувларни бошқариб келади. 33 ёшли ўзбекистонлик ҳакам ўтган йиллар давомида ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари, Осиё чемпионлар лигаси, клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари учрашувларини бошқарди.

Жорий мавсум унинг фаолиятида жуда муваффақиятли бўлди. Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов ва унинг ёрдамчиси Рафаэль Илёсов илк бор футбол оламининг энг нуфузли мусобақаси – Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида ўтказилган Жаҳон чемпионатида иштирок этди.

ФИФА мутасаддилари Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадасига ўта масъулиятли вазифани – Жанубий Африка Республикаси ва Мексика терма жамоалари ўртасидаги учрашув билан бошланадиган жаҳон чемпионатининг биринчи ўйинини бошқаришни ишониб топширди. Умуман олганда, Р. Эрматов нуфузли мусобақада энг кўп – беш учрашувда бош ҳакамлик қилди. Бу Осиё ҳакамлари учун рекорд натижадир. Футбол тарихида эса Равшан Эрматовгача фақат икки ҳакам – аргентиналик Орасио Элисондо ҳамда мексикалик Бенито Арчундиа 2006 йилги жаҳон чемпионатида бештадан учрашувни бошқарган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 20 июлдаги фармонига кўра, ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Эрматов "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан, халқаро тоифадаги ҳакам ва ФИФА рефериси Рафаэль Илёсов эса "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# ПОЛВОНЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

**Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида дзюдо бўйича Гран-при мусобақасининг навбатдаги босқичида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари икки олтин, бир кумуш ва икки бронза, жами беш медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.**

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) шафелигида ўтказилган нуфузли мусобақада дунёнинг элликдан зиёд мамлакатидан келган уч юз нафарга яқин дзюдочи совринли ўринлар ва 2012 йили Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун ўзаро куч синашди.

Вазни 100 килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувларида юртимиз шарафини "Осиё ўйинлари – 2010" совриндорлари – Рамзиддин Саидов ва Ўткир Қурбонов ҳимоя қилди.

Рамзиддин Саидов саралаш учрашувларида франциялик Фредерик Стигелманн, украиналик Артём Блошенко, мисрлик жаҳон чемпионати совриндори Рамадан Дарвиш, чехиялик Лукаш Крпалекни енгди. Ўткир Қурбонов эса бразилиялик Леите Леонардо, россиялик Зафар Махмадов ва Тагир Хайбуллаев устидан зафар қучиб, финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи финал учрашуви икки ўзбекистонлик дзюдочи ўртасида бўлди. Унда Рамзиддин Саидов олтин, Ўткир Қурбонов кумуш медаль билан тақдирланди.

Тўқсон килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Хуршид Набиев мисрлик Карим Афифий, словакиялик Милан Рандл, россиялик Кирилл Денисов, қирғизистонлик Чингиз Мамедов устидан соф ғалабага эришди. Олтин медаль учун ўтказилган сўнгги баҳсда жаҳон чемпионати совриндори – Роберто Мелони – (Италия)-ни икки дақиқада мағлуб этган ўзбекистонлик спортчи шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

**ЎзА.**

ОГОҲЛИК

# ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

**Кундалик ҳаётимизни "зангори олов"сиз тасаввур этиш қийин. Бироқ озгина эътиборсизлик оқибатида ёнғин чиқиб, оилага, давлатга моддий зарар етиши мумкин. Газдан тўғри фойдаланиш қоидаларига тўлиқ амал қилишгина ёнғин хавфсизлигини таъминлайди. Бу қоидалар эса у қадар мураккаб эмас.**

Аввало, газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ ёки кўмир ёқиладиган печкалар мўриси камида йилда бир марта тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталарининг ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш ёки болаларнинг гугурт ўйнашига бепарво қараш ёнғин чиқишига асосий сабаб бўлади.

Кейинги пайтда газ қурилмаларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик одамларнинг умрига зомин бўлмоқда.

Бу каби нохуш ҳолатлар юз бермаслиги учун ёнғин чиқишининг олдини олиш қоидаларига риоя қилиш, газдан, электр асбобларидан тўғри ва ҳушёрлик билан фойдаланиш талаб этилади. Шунингдек, газ ёниб турганда дераза дарчаси доимо очиқ бўлиши лозим. Газдан болалар фойдаланишига йўл қўймаслик керак. Газ баллонлари газ плитасидан ярим метр, бошқа иситиш қурилмаларидан эса 1 метр узоқликда бўлиши, резина ичаклардан фойдаланмаслик, газни узоқ вақт ёқиқ қолдирмаслик каби қоидаларга риоя қилиш талаб этилади.

**Азиз СУЛАЙМОНОВ,**
**ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди инспектори.**

ШАНБА ФЕЛЬЕТОНИ



# АСОМ ҒАДАНГ ЎЙ СУРИБ ҚОЛДИ

– Одамнинг имони сусайса, ўз қавмига фириб бериш авж олади...

Гангур-гунгур суҳбат қизиб, хушчақчақ ўтирган давра Асом ғадангнинг бу гапидан кейин сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Ўртада пашша учса эшитилгудек гўё. Соли совуқ гап қистирмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаётганига кўзи тушиб, Ҳоким оқсоқол бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

Ниҳоят, Ғаданг ҳикоясини бошлади. У Тошкентга, тўйга кетганлигидан даврадагилар хабардор эди. Катта опаси набирасини уйлантирди.

– Никоҳ кечасига довруқли қўшиқчи Камолбек Ҳамробоев мукаллиф экан, – деди Ғаданг кинояли табассум билан. – Бир пайт ҳашамдор тўйхонанинг тўридаги арксифат кўшкка чиқиб ўтирди. Икки ёнида – машшоқлари.

Мен шундайгина кўшк ёнбошидаги столда ўтириб қолдим. Гумбурлаб куй чалинди. Қизиқиб, хонандадан кўз узмайман денг. Биринчи, иккинчи қўшиқ тугаяпти ҳамки, Камолбеги тушмагур рубобини қўлига олай демайди. Ёнидаги йигит билан чақчақлашиб ўтирибди.

Ғашим келиб, ўрнимдан турдим. Кўшкка яқинлашиб, қўлимни кўксимга қўйдим: "Бирор камчилик йўқми?" деб сўрадим. Хонанда: "Раҳмат, раҳмат" деб қуллуқ қилиб ўтирибди. Билдимки, "юлдуз" хонанда фириб бераяпти, қўшиқ фонограммада янграяпти.

Ўзимни босдим, жойимга бориб ўтирдим. Бир пайт кўрсам, хонанда ўртага тушиб олиб, кифт қоқиб ўйнаяпти. Гоҳо қўлидаги микрофонни ўйнатиб, алланечук қийқириб қўядими-ей. Атрофида эркак-аёл ғужғон ўйнаяпти, қистир-қистир авжида. Хонанданинг кўзлари қўллардаги даста-даста пулларда. Уларни чилдирмакаш супургандек ҳовучлаб олиб, ғижжакчи қўлидаги очиқ ғилофга ташлаяпти.

Кенжа жияним жуда эпчил. Уни чақирдим-да, хонандалар билан нимага келишилганлигини сўрадим. "Икки минг долларга гаплашганмиз, тоға. Нега сўраяпсиз?" "Хонандангиз жуда зўр-ку", дедим. "Бўлмасам-чи, бугунги эстрадамиз юлдузларидан бири-да! Аранг икки мингга кўндирдик". "Бўпти, ҳақини ўзим тўлайман, – дедим. – Опамга шуни айтиб қўй, жиян, хотиржам бўлсинлар". Мен хонандани кузатишда давом этдим. "Юлдуз" аллақачон кўшкка қайтиб, энди еб-ичиш билан овора, буёқда поноқўшиқ ваданг.

Катта ўғлимни чақиртирдим-да, юз долларликдан биттасини қўлига тутқаздим, қаерда бўлмасин, шундан йигирма дона ксеронусха кўчиртириб келишни тайинладим.

Қисқаси, ҳийла фурсатдан кейин ўғлим бир даста сохта юзталикни қўлимга қистириб кетди. Тун яримлаганида тўй ҳам поёнига етди. Келин билан куёвни машинага ўтқазиб, жўнатдик. Олис-яқиндан келган меҳмонлар ҳам бирин-кетин тарқала бошлашди. Ичкарига кирсам, "юлдуз" кўшкда ўтирибди. Чап ёнимда бўйдор жиян, бу ёнимда ўғлим, тўрга ўтиб бордик.

– Энди бизларга ҳам жавоб берсангиз, – деди хонанда ўрнидан қўзғалиб.

– Раҳмат, – дедим ва қиссамдан ҳалиги бели букилмаган долларни чиқардим.

Хонанда пулни санашга тушди-ю, бирдан авзойи ўзгарди:

– Буларингиз ксерокопия-ку?!

– Тўғри топдингиз, ўғлим, – дедим пинак бузмай.

– Биз икки мингга ҳалол келишганмиз, – деди. – Гувоҳларим бор.

– Тўғри, локигин, келишув қўшиқ ижроси учун бўлган, залда оғиз очиб-юмиб, диконглаб юриш учун эмас. Сиз шартни буздингиз, сохтагарчилик қилдингиз, ўғлим. Меҳмонларни фоноқўшиқлар билан обдон сийладингиз. Сохта қўшиққа – сохта ҳақ-да. А, лаббай?

Камолбеги тушмагур бир гезарди, бир бўзарди. Мен хотиржам, жиддий қиёфада туравердим. Машшоқлар шовқин кўтаришмоқчи эди:

– Сизларга гапни ким қўйибди, – дедим. – Бармоқларингиз чилдирма чертмади, қистир-қистир пулларни йиғишдан бўшамади-ку, – дедим.

Табиийки, улар лом-мим дея олмай, афт-башараларини тириштирганларича туриб қолишди.

Камолбеги демаган ксеродолларларни столга ташладида, индамай эшик томон юрди. Жияним киссасидан машина калитини чиқариб, уларга эргашиб қолди.

– Тўхта, – дедим оҳиста.

– Ҳа, тоға?

– Қаёққа?

Жиян тараддудланди:

– Қўшиқчиларни тарқатиб...

– Ўзлари етиб олишади, – дедим. – У ёқ-бу ёқни йиғиштиринглар. Тезроқ.

Жиян мени тушунди. Гапни қисқа қилди:

– Хўп бўлади, тоға.

– Хуллас, тўйни ўтказиб келдим, – деди Ғаданг ҳикоясига якун ясаб.

– Обдон сазойи қилибсизда ўзларениям, мулла Асомиддин, – ўртага тушган жимликни бузди Оқсоқол.

– Ундайларга бу ҳам кам, – деб қўйди Мўйлов.

– Камликка кам-у, бироқ сабоқ чиқаришмайди-да, – ҳамма Қосим инжиққа қаради. У салмоқланди. – Бу тонг ўша хонанда телевизорда чиқди. Уч-тўртта қўшиқ айтди. Гоҳида оғзининг очилиб-юмилиши қўшиққа тўғри келмайди, авж пардаларда чеҳрасида ўзгариш сезмайсиз. Тушундимки, телефонограмма...

Ҳамма ялт этиб Асом ғадангга қаради. У нигоҳларини олис-олисларга қадаганича, ўйчан қиёфада ўтирарди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

Зангиота тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 23.12.2009 йилда № 2829 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 207047168) "RUSSTROY-INVEST PLYUS" хусусий корхонасига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "GOLDEN ALFA MAX" МЧЖнинг устав фонди 192 132 400 сўмдан 184 891 760 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "TABOBAT OLAMI" МЧЖнинг устав фонди 50 000 000 сўмдан 30 900 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "JORIS STAR" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "JORIS STAR" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат Божхона қўмитаси томонидан 2009 йил 9 январда "Saraz Investments" МЧЖга берилган № 22323979/00102/0039 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Оқ тепа автомобилчиси" МЧЖга тегишли бўлган АТ 0789961 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Махамадалиева Шахноза Ходжиакбаровна номига 2010 йил 9 июлда берилган 0405277 реестр тартиб рақамли чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "ALFA QURILISH MONTAJ SERVIS", расположенное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. Миракилова, 68-А, зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Яккасарайского района г. Ташкента № 004770-11 от 25.08.2009г. (ИНН 300876089), в соответствии с принятым решением учредителя от 26.11.2010г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. Миракилова, д. 68-А.

Утерянный гос. ордер № 134 от 03.05.1993г. Госкомимущество и справка о дарении № 4206, выданную ГлавАПУ в 19.11.2010г. на ЧП "DILNOZABONU-ZIYOVIDDIN",
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Қибрай тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2002 йилда "RAIMJON-FERMER" фермер хўжалигига берилган гувоҳнома ва устав йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд Дарвоза кўчаси, 1-уй, 50-хонадонда жойлашган (СТИР 207095426), Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2010 йил 3 сентябрда R-004539-09 реестр рақам билан рўйхатга олинган "ABDULAZIZ LOGISTIK" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди, 2010 йил 25 ноябрдаги таъсисчилар умумий йиғилишининг 2-сонли қарорига асосан 806 327 633 сўмдан 175 000 000 сўм миқдоригача камайтирилди. Барча дебитор ва кредиторлар бўйича ариза ва талаблар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

ООО "BISYOR-OMAD-SAVDO" Яккасарайского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 4 960 000 сумов до 2 480 000 сумов.

ООО "GLOBAL LINK GROUP", зарегистрированное отделом регистрации субъектов предпринимательств хокимията Чиланзарского района г. Ташкента за № 005310-08 от 14.10.2009г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район 5, ул. Мукуми, д. 1 (ИНН 301345004), ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания учредителей № 5 от 23.11.2010г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления по тел.: 278-30-95.

Қибрай тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2010 йилда "SAID BILOL AGRO" хусусий корхонасига берилган гувоҳнома ва устав йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "MERCAN TRADE" сообщает о реорганизации в форме выделения ООО "MOTIF TRADE".

Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский р-н, пл. Чорсу, 3-А. Основание: решение общего собрания участников ООО "MERCAN TRADE" от 25.11.2010г.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси жамоаси Бекобод туман ФҲДЁ бўлими инспектори Феруза Мусаевага турмуш ўртоғи **Зокиржон МУСАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Шоҳруҳ ҲАКИМОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1040. Адади 5366. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.50. 1234